

НОФИЗИК ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИДАГИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ЎЗЛАШТИРИШ ДАРАЖАЛАРИНИ ОШИРИШ МЕТОДИКАСИ

Ирматов Фозил Муминович

Жиззах давлат педагогика институти

Физика ва уни ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси

e-mail:irmatov-fozil-84@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада нофизик мутахассислик йўналишлари талабаларига физикани ўқитишда асосий эътибор талабалар ўртасида илмий фикрлаш тарзини шакллантиришни, физикани мустақил ўрганиш имкониятини яратиш учун зарур бўлган назарий материаллар мазмуни баён этилган.

Калим сўзлар: физика, нофизик мутахассислик, замонавий таълим технологиялари, ўзлаштириш даражалари, фаолият, хусусият, шакл, метод, назария, эксперимент.

Аннотации. В данной статье основной акцент в преподавании физики студентам нефизических специальностей сделан на содержание теоретических материалов, необходимых для формирования научного мышления у студентов, создание возможностей для самостоятельного изучения физики.

Ключевые слова: физика, нефизическая специализация, современные образовательные технологии, уровни усвоения, деятельность, особенности, форма, метод, теория, эксперимент.

Annotation. This article the main focus in the teaching of physics to students of non-physical specialties is the content of theoretical materials necessary for the formation of scientific thinking among students, the creation of opportunities for independent study of physics.

Key words: physics, nonphysical specialization, modern educational technologies, levels of mastery, activity, feature, form, method, theory, experiment.

Талабаларнинг билим ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар уларнинг ҳар бир мавзунини ўрганиш учун дидактик мақсадларни белгилаш орқали ўқув материалларини ўзлаштириш даражасини ҳисобга олган ҳолда аниқлаштирилади. Талабаларда мавзуларни ўрганишнинг дидактик мақсадини шакллантириш нафақат ўқув материалларини ўзлаштириш даражасини акс эттиради (фикр бериш, тушунчани шакллантириш, кўникмаларни шакллантириш ва бошқалар), талабанинг фаолиятини тавсифлаш орқали (ажратади, тушунтиради, қарор чиқаради ва ҳоказо) бу мақсадга эришишнинг кутилган натижасини кўрсата олади.

Ўқув жараёнида талабаларнинг билим ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар мажмуининг ўрнатилиши, бу билим ва кўникмалар улар томонидан тўлиқ ўзлаштирилишини англатмайди. Ўқув материалларининг ҳар бир тахмин

қилинган ўзлаштириш даражаси талабаларнинг ҳақиқий таълим ютуқлари белгилаб беради.

Ўқув материални ўзлаштиришнинг талаб қилинадиган даражалари ва талабаларнинг таълим ютуқлари даражалари ўртасида ўзаро боғлиқлик тизими мавжуд. Ўқув материални ўзлаштириш натижасида талабалар, оғзаки ёки ёзма жавоблар бериб, амалий топшириқларни бажарадилар ва шу йўл билан ўқув материални таниш ёки нотаниш вазиятда амалий фаолият техникасини ўзлаштирганлик даражасини намойиш этадилар. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ўқитувчи ёки талабаларнинг маълум ютуқларини ва ўқув материални ўзлаштиришнинг зарур даражаларини қатъий белгилаб оладилар. Талабаларнинг таълим ютуқлари ўқув материални ўзлаштириш даражасини акс эттирувчи фаолиятда намоён бўлади.

Талабаларнинг таълим мазмунини тушуниш даражасида ўзлаштиришдаги таълим ютуқларини тавсифлашда ўзига хослик мавжуд. Ўқув материални бу даражадаги талабларга мувофиқ қайта ишлаб чиқариш ҳам онгсиз (механик хотирага асосланган), ҳам онгли (ўқув материални чуқур тушуниш, сабаб-оқибат муносабатларини ўрнатиш) бўлиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, ўқув материални ўзлаштиришнинг талаб қилинадиган даражалари стандарт ўқув дастурларини ишлаб чиқишда дидактик мақсадларни белгилаб, таълим стандартлари ва талаблари асосида белгиланади. Таълим даражаси (талабаларнинг таълим фаоллиги даражаси ёки ўқиш даражаси кўрсаткичлари) ҳар бир талабанинг ҳақиқий олган билимларини акс эттириши керак ва улар ўқитувчилар томонидан ҳаққоний баҳоланиши лозим. Берилган савол ва топшириқларнинг мазмуни ўқув материални ўзлаштириш даражасини акс эттириши, яъни мақсаднинг қўйилишига мос келиши керак.

Ўқув материални ўзлаштириш - тақдимот, тушуниш, қўллаш, ижодкорлик (тажриба алмашиш) ўқув материалнинг ўзлаштирилишини назорат қилиш учун тегишли тўрт турдаги саволлар орқали белгиланади. Талабаларнинг билим даражасини баҳолаш учун қўлланиладиган шкала тузилишига мос бўлади, лекин уларнинг сони ўқув материални ўзлаштириш даражасидан кам бўлолмайди.

Ўқув материални ўзлаштириш даражаси ва талабаларнинг таълим олиш даражаси орасидаги (ўқув фаолияти даражаси, ўқиш даражаси кўрсаткичлари) фарқи тўғрисида тушунчаларга эътибор қаратиш лозим.

Масалан, Ю.К. Бабанский ўқув материални ўзлаштириш жараёнининг таркибий қисмларини (босқичларини) қуйидагича аниқлайди: идрок, тушуниш, умумлаштириш, мустаҳкамлаш, қўллаш. Кўриб турганингиздек, бу тасниф ўқув материални ўзлаштириш даражасини тавсифлаш учун ишлатиладиган атамалар билан кўп ўхшашликларга эга. Шунга қарамай, таъкидлаш лозимки,

бу атамалар билим ва фаолият усуллари ўзлаштиришда турли босқичларга мос келади. Шундай қилиб, ўқув материаллари ўзлаштиришнинг талаб қилинадиган даражалари ва талабаларнинг ҳақиқий таълим олиш даражалари ўртасидаги фарқни, шунингдек, ўқув материаллари ўзлаштириш жараёнининг типик тузилишини тавсифловчи атамалар ўртасидаги фарқни аниқ тушуниш муҳим аҳамиятга эга экан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дьякова Е.А. Методика преподавания физики в направлениях гуманитарного профиля: Дисс. канд. пед. наук. – М., 2002. – 180 с.
2. Ирматов, Ф. М. Эффективность современных образовательных технологий в педагогическом процессе (на примере обучения физике). научное знание современности, (8), 34-37.
3. Ирматов, Ф. М. Особенности обучения нефизическим специальностям студентов. Образование и культура. –С. 130-132.
4. Ирматов, Ф. М. Эффективность модульного обучения физики для нефизических специальностей. инновационные технологии в современном образовании. –С. 228-231.
5. Irmатов F. Talabalarning fizika fanidan o'zlashtirish darajalarini oshirishda zamonaviy ta'lim texnologiyalaridan foydalanish. *Физика ва технологик таълим журнали*. <https://science.jspi.uz/index.php/phys-tech/article/view/229>
6. Irmатов F.M. Fizika fanidan talabalarning o'zlashtirish darajalarini oshirishda kreativ yondashuv. *Физика ва технологик таълим журнали*. <https://art.jspi.uz/index.php/phys-tech/article/view/2705>
7. Демин Е.В. Методика использования новых информационных технологий в процессе преподавания квантовой физики в педагогических ВУЗах.: Дис. канд. пед. наук. – М., 2004.
8. Ирматов Ф.М. Нофизик мутахассисликлар бўйича физика таълими самарадорлигини ошириш йўллари // Педагогика. Илмий-назарий ва методик журнал. –Тошкент. -2020.– 2-сон. – Б.86-90 б.
9. Ариас Е.А. Дифференцированный подход к обучению физике студентов различных нефизических специальностей университета. // Дис. канд. пед. наук. – Санкт-Петербург. 2004
10. Ирматов Ф.М. Нофизик мутахассислик йўналишлари талабаларига физика фанини замонавий таълим технологияларидан фойдаланиб ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари // НамДУ илмий ахборотномаси. – Наманган. -2020. – 7-сон. – Б.263-268.

11. Irmatov, F. (2021). Assessment of students' levels of studying physics. *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*, 2021(02), 98-107.
12. Irmatov, F. (2019). Advantages of teaching physics on the credit system. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, 7(12), 60-64.
13. Irmatov, F., Mamatkulov, B., Xasanboyev, B., & Pirmatov, S. (2021). Information and communication technologies in physics lessons. *Физико-технологического образование*, (2).
14. Irmatov, F. (2020). Физика фанини ўқитишни замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар асосида ташкил этиш. *Физико-технологического образование*, (1).
15. Irmatov, F., Abduvaxobov, X., & Safarov, S. (2021). Fizika fanidan talabalarning o'zlashtirish darajalarini oshirishda kreativ yondashuv. *Физико-технологического образование*, 4(4).
16. Irmatov, F., Qarshiboyev, S., & Andaqulova, D. (2021). Талабаларнинг ўқув материални ўзлаштириш даражаси. *Физико-технологического образование*, (5).
17. Irmatov, F. (2020). Talabalarning fizika fanidan o'zlashtirish darajalarini oshirishda zamonaviy ta'lim texnologiyalaridan foydalanish. *Физико-технологического образование*, (1).
18. Togaev, X., Doniyorov, S., Farmonov, U. M., Irmatov, F. M., & Boboqulov, Q. S. (2016). On the role of the physical concepts of the disclosure of the secrets of music. In *The Eighth International Conference on Eurasian scientific development* (pp. 184-189).